

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЧИЛОВА РИСОЛАТ АЪЗАМОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ  
ЛЕКСИК - СЕМАНТИК ҲАМДА ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ**

**мавзусида**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик бўйича**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**илмий даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**муҳокамаси**

**Илмий раҳбар: ф.ф. д., профессор Саидов Ёқуб Сиддиқович**

**Бухоро – 2022**

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз**. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади.



## **ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

### **БИРИНЧИ БОБ. АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТИ**

**1.1. Антономазиянинг кўчимлар тизимидаги ўрни**

**1.2. Антономазия ва метафоранинг ўзаро муносабати**

**1.3. Антономазиянинг метонимияга муносабати**

**1.4. Боб бўйича хулоса**

# **ИККИНЧИ БОБ. ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАР**

**2.1. Алишер Навоийнинг антономазиялар  
тараққиётидаги ўрни**

**2.2. Шекспир асарларидаги антономазияларнинг  
семантик тадқиқи**

**Боб бўйича хулоса**

# **УЧИНЧИ БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИ АНТОНОМАЗИЯЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**3.1. Тарихий шахслар номи асосида шаклланган  
анономазиялар.**

**3.2. Асар қахрамонлари асосида вужудга келган  
антономазиялар**

**3.3. Мифологик, диний-афсонавий қахрамонлар номи  
асосида шаклланган антономазиялар**

**Боб бўйича хулоса**

**УМУМИЙ ХУЛОСА**

**Фойдаланилган адабиётлар**

Антономазия кўчимлар таркибидаги энг муҳим тил ҳодисаларидан бири бўлиб, сўзлашув, публицистик, расмий, айниқса, китобий услуб, бадий адабиёт намуналарида фаол қўлланилади. Аёнки, тилда сўзлар дастлабки шаклланиши даврида бирор нарса ёки воқеликнинг айнан номи сифатида юзага келади, бошланғич ишлатилиш даврида бир маъноли бўлади. Кейинчалик айрим сўзларнинг мазмун жиҳатида ўзгаришлар юз бериб, улар кўп маъноли сўзга айланади. Кўчим сўз ёки сўз бирикмасининг ўз маъносидан бошқа маънода қўлланишидир. Кўчма маънони қуйидагича изоҳлаш мумкин: 1) маъно кўчиши асосида келиб чиққан маъно; 2) асл (тўғри) маъносидан бошқа маънода (кўчириб) қўллаш билан ҳосил бўлувчи маъно.

- Лексик маъно илмий адабиёт ва тадқиқотларда *бош маъно* ва *ҳосила маъно*, *тўғри маъно* ва *ясама маъно*, *тўғри маъно* ва *кўчма маъно*, *тургун маъно* ва *эркин маъно*, *номинатив (номловчи) маъно* ва *фигурал (мажозий) маъно* каби бирикмалар билан атаб келинмоқда. Бу терминлар айтилиши бир ҳодисани турлича ифода қилади, холос. Моҳиятан улар бир воқеликни акс эттиради.

Кўчма маъно ўхшатиш, муболаға ва киноя асосида сўзни бошқа маънода қўлланиши натижасида ҳосил бўлади, у тилнинг тараққиёти натижасида юзага келади. Бунда борлиқдаги нарса-ҳодиса, белги-хусусият, ҳаракат ҳолатнинг номи маълум бир асосга кўра бошқа нарса ҳодиса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатнинг номи сифатида қўлланади.



Шекспир ўз шеърий асарларида антономазилардан маҳорат билан фойдаланганлардан биридир. Бунга мисол сифатида куйидагиларни ҳавола этамиз:

- ▶ Than when I first my wedded mistress saw,
- ▶ Bestride my threshold. Why, **thou Mars**, I tell thee.
- ▶ Таржимаси:
- ▶ Икков кўришганимиздан шодман нақадар!
- ▶ Ешитгил **Марс**, биз яширин тўпладик лашкар.

Шеърӣ парча мазмунидан англашиладики, Авфидий ўзининг собиқ рақибини унинг жасоратларини ҳурмат қилганлиги учун уруш худосининг номи билан атайди, яъни душманнинг номини тилга олмасдан уни уруш худоси – Марс номи билан атайди. Бу билан Авфидий ўз душманида худоларга хос жасурлик ва енгилмас куч хусусиятлари борлигини эътироф этади.

Жаҳоннинг буюк шоири ҳазрат Алишер Навоийнинг адабий-баддий асарларида қўлланган антономазиялар ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва адабиётини тўлиқ ўзида акс эттиради, десак асло муболаға этмаган бўламиз. Шунга кўра унинг асарларидаги мазкур кўчим турини аниқлаш, шаклланиш манбалар ва мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳамда уларнинг вазифаларини белгилаш катта аҳамиятга эга.

Қуйидаги мисолга эътиборингизни қаратамиз.

Қачонким зоҳир этсанг «танзиъ -ул -мулк»,  
Сикандарнинг бўлуб мағлуби Доро.

[Навой, 15]

- ▶ Мазкур байтнинг мазмуни шундайки, ёмонликларингни намоён этиб, очиқ-ошкор юзага чиқарсанг, билиб қўйки, Искандардан шармандаларча мағлуб бўлган Доро каби бўласан. Тарихий манбаларда келтирилишича, Доро қадимги Эрондаги ахоманийлар сулоласига мансуб подшоҳлар бири бўлган ва милоддан аввалги 522-331 йилларда ҳукмронлик қилган. Ахоманийлар сулоласининг энг охирги подшоси Доро III (Кодоман) юнон ҳукмдори Искандар Зулқарнайн билан бўлган жангда (мил. ав. 331) мағлубиятга учрайди ва Шарқий Эронга қочади. У ерда ўз амалдорларидан бири, Бактрия сатрапи (ҳокими) Бесс томонидан ваҳшийларча ўлдирилади. Алишер Навоий мазкур байтида ана шу тарихий шахс ва воқеага ишора этган.

# Хулоса

- ▶ Антономазиялар бадий асарларда ғоявий, тавсифий, номинатив, эстетик, услубий, экспрессивлик, рамзий каби вазифаларни бажариши билан бирга, нутқда муайян кишининг аниқ тасаввури, рухий оламини, у хусусда ахборот, маълумот бериш функциясини ҳам бажаради. Антономазияларнинг воқеланишида энг муҳим жиҳат шуки, улар матн ёки нутқ жараёнидагина реаллашади, мажозий маъно юкига эга бўлади. Улар ишонарли ва таъсирли восита сифатида нутқ ва тилдаги энг қулай тасвирий усуллардан биридир.



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
ТАШАККУР!**